

## ТРАНСФОРМАТОРЛАРНИНГ ҚИЗИШИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

**Арзикулов Хуснидин Муроджон ўғли**  
Андижон машинасозлик институти асистенти,  
**Абдурахмонов Султонбек Украмович**  
Андижон машинасозлик институти катта ўқитувчи,  
**Ходжиматов Мухаммад-Бобур Зайнабидин ўғли**  
Андижон машинасозлик институти асистенти,

Маълумки мойли трансформаторларда изоляция сифатида пахта –қоғозли материаллардан фойдаланилади. Трансформаторларни ишлаш вақтида изоляцияни ва мойнинг эскириш жараёнлари юзага келади.

Пахта-қоғозли изоляцияни ва мойнинг эскириш жараёни тезлиги сезиларли равища улар ишлатилаётган температурага боғлиқ. Кўпсонли тажрибалар шуни кўрсатадики пахта-қоғозли изоляцияни ва мойнинг хизмат қилиш муддати ишчи температурининг  $8^{\circ}\text{C}$  га ортганда тахминан 2 баробар камаяди.



1-расм. Трансформаторнинг қоғозли изоляция.

Шу муносабат билан ишлатилш жараёнида трансформаторни назорат қилишнинг мухим элементи сифатида трансформатор мойнинг температурасини термометр ёрдамида назорат қилиб туриш хисобланади. Шу сабабли трансформаторлар шишадан ясалган симобли термометр билан жихозланган бўлади. Бу термометрлар мойнинг юқори қисмида тегиб туради. Чунки аслида мой юқори қатласи кўпроқ исиган холатда бўлади.

Баъзida симобли термометрлар кўрсатгичларини фарқлаш қийинлиги туфайли манометрли термометрлардан фойдаланилади. Лекин манометрли термометрлар температурани аниқ кўрсатмаганлиги сабабли симобли термометрларда қайтадан текширилиб таққосланади. Шуларни хисобга олиб бошқариш шитида масофада туриб назорат қилиш учун қаршиликни термометрлардан фойдаланилади. Бундай термометрлар кўпинча катта қувватли трансформаторларга ўрнатилади.

Табиий совитилувчи трансформаторларда пастки қатламдаги мой температураси юқори қатламдагига нисбатан сезиларли даражада паст бўлади. Масалан юқори қатламдаги мой температураси  $80^{\circ}\text{C}$  га teng бўлса, паски қатламда  $30\text{-}35^{\circ}\text{C}$  ни, трансформаторнинг ўрта қисмида эса  $65\text{-}70^{\circ}\text{C}$  ни ташкил қиласи.

Мой температурасининг ортиши тўғридан-тўғри юкламанинг ортиб кетиши билан боғлиқдир. Шу сабабли хизмат кўрсатувчи персонал учун юкламани мунтазам равища назоарт қилиб туриш жуда мухидир. Чунки назоратни сусайтириш ёки маълум муддатга назоратсиз қолдириш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу бевосита мойнинг маълум температуralарда алангаланиб кетиш билан боғлиқдир.

Шуларни инобатга олиб қуввати 1000 кВА ва ундан ортиқ бўлган трансформаторларда юкламани назорат қилиш учун амперметрлар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор бериш зарурдир.

Трансформаторлар изоляциясининг хизмат қилиш муддати кизиш билан боғлиқдир:

Изоляцияга берилаётган температура қанча юқори бўлса, у ўзининг механик ва электрик хусусиятларини шунча тез йўқотади.

Трансформаторларнинг номинал юкламадан кам ёки ортиқча бўлган юклама билан ишлаши иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга номувофиқдир. Хар икки холатда хам трансформатор тезда ишдан чиқиши мумкин.

Икки чўлғамили трансформаторларда амперметрлар ихтиёрий битта чўлғамга ўрнатилиши мумкин ва унинг кўрсатиши бўйича қолган иккинчи чўлғам хақида хам фикр юритиш мумкин. Уч чўлғамили трансформаторларда эса хар бир чўлғамга алоҳида амперметрлар ўрнатиш зарур, чунки иккита чўлғамга ўрнатилган амперметр бўйича учинчи чўлғам юкламаси хақида фикр юритиб бўлмайди. Бу мутлақо нотўғридир.

Қуввати 1000 кВА дан паст бўлган трансформаторларда ва трансформатор пунктларида юкламани назорат қилиш хар бир фазада бажарилиши шарт. Чунки шу баҳонада юкламанинг барча фазаларда симметрик тақсимланганлиги тешириб олинади.

Табиий совутиладиган трансформаторларда изоляциянинг қизиб кетиш оқибатида ишдан чиқишини олдини олиш мақсадида трансформатор жойлашган бино тўхтовсиз шамоллатиб турилиши зарурдир.

Трансформатор номинал юклама билан ишлаётган бўлса, трансформаторлар биносига кириб келаётган (паст томондан) хаво температураси билан бинодан чиқиб кетаётган (юқори томондан) хаво оқими температураси ўртасидаги фарқ  $15^{\circ}\text{C}$  дан ортмаслиги зарурдир.

Қуввати 1000 кВА ва ундан ортиқ бўлган трансформаторларда вентляцияни таъминлаш учун бинонинг юқори томонидан, яъни унинг томида тортувчи қувурлар ўрнатилиши керак. Бу трубалардан трансформаторнинг ток ўтказувчи қисмларига ёмғир, кор турмаслигига эътибор бериш керак. Табиий шамоллатиш етарли бўлмаган холатларда албатта сунъий шамоллаштиришни йўлга қўйиш керак хамда ушбу подстанцияларда навбатчи персоналларни назорат учун қўйиш учун зарур.

Трансформаторларни ортиқча қизиб кетиш оқибатида ишдан чиқишини олдини олиш учун сунъий шамоллатиш қўлланган холатларда вентиляция қурилмаси ишдан чиқсанлиги хақида ёки мой температураси ўта қизиб кетганлиги хақида бошқарув штига хабар келишини таъминлаш муҳим вазифа хисобланади.



2-расм. Ёпиқ бинода трансформаторларни табиий совутиш.

Шу муносабат билан барча трансформатор қурилмалари ПУЭ қоидаларига кўра ёнгинга қарши кураш қурилмалари билан таъминланиш зарур.

Трансформаторларда ёнгин жуда кам содир бўлса хам лекин унда мойнинг жуда кўп бўлиши нуқтаи назардан ўта хавфли хисобланади. Шу сабабли трансформатор қурилмаларида албатта ёнгинни олдини олиш ва уни бартараф қилиш чоралари кўрилган бўлиши керак. Буни доимо ёдда тутмоқ зарур.

Демак, трансформаторларнинг қизиши албатта электромагнитавий истрофларни юзага келтирар экан. Бунга қўшимча қилиб об-хавонинг (айниқса ёз пайтида) кескин ўзгаришларини хам кўрсатиш мумкин. Атроф мухит температурасининг кўтарилиб кетиши бу жараённи (қизиши) янада жадаллаштиради. Шу сабабли трансформаторларни совутиш мухим ахамият касб-этади. Бунинг учун трансформаторларга хизмат кўрсатувчи ходимлар доимий равишда хароратни назорат қилиб туриш ва совутиш тизимини ишлаши кузатиб турилиш шарт. Вентиляция қурилмалари сонини кўпайтириш, радиаторлар тозалигига эътибор бериш ва совутилишининг илфор, самарали усулларидан фойдаланиш даркор.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Yakubovich A. B. et al. ПРОВОДА ЛЭП ПОРА МЕНЯТЬ ИЗ ЗА НИЗКОЙ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТЬ В ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ СЕТЯХ //International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING. – 2024. – Т. 4. – №. 2. – С. 144-148.
2. Uktamovich A. S. et al. НОРМИРОВАНИЕ РАСХОДА ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ ЭНЕРГИИ НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ //International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING. – 2024. – Т. 4. – №. 1. – С. 338-341.
3. Arzikulov , X. M. ugли SIQILGAN HAVO TIZIMLARIDA ENERGIYA TEJASH //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 14. – С. 620-625.
4. Murodjon o‘g‘li, A. X., & Shuxrat o‘g‘li, X. S. (2024). INDUSTRIAL STEAM GENERATORS. International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING, 5(1), 285-288.
5. Murodjon o‘g‘li A. X., Hamidillo o‘g‘li S. A. ПАРОГЕНЕРАТОР С ЭЛЕКТРИЧЕСКИМ НАГРЕВАТЕЛЕМ //International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING. – 2024. – Т. 4. – №. 2. – С. 536-540.
6. Ibrohimjon o‘g‘li T. R. et al. Failure Analysis of Automobile Generators //Web of Semantics: Journal of Interdisciplinary Science. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 300-304.
7. Yakubovich A. B., Uktamovich A. S. АВТОМОБИЛЬНЫЙ ГЕНЕРАТОР ПЕРЕМЕННОГО ТОКА Arzikulov Xusnidin Murodjon o‘g‘li.
8. Ravshanbek o‘g‘li B. A. METHODS OF MEASURING THE WATER LEVEL IN STEAM GENERATORS Arzikulov Xusnidin Murodjon ugli.

9. Мамадалиев, Махаммаджон Ахмадалиевич. "ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ В СИСТЕМАХ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИКИ." International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING 4.2 (2024): 75-78.
10. Rakhmatov, Abdugani, et al. "Advancements in renewable energy sources (solar and geothermal): A brief review." E3S Web of Conferences. Vol. 497. EDP Sciences, 2024.
11. Yuldashev B. R. DIRECTIONAL RELAY-RESISTANCE RELAY MATHEMATICIAN DUALISM //International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING. – 2024. – Т. 4. – №. 2. – С. 107-110.
12. Yuldashev B. R. DIGITAL RELAYS AND THEIR TECHNOLOGY //International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING. – 2024. – Т. 4. – №. 2. – С. 72-74.
13. Абдурахмонов С. У., Азизов Б. Ё. СОВРЕМЕННЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ //СОВРЕМЕННЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ Учредители: Международный научно-инновационный центр. – №. 10.
14. Зокирова И. З. ОПРЕДЕЛЕНИЯ ТЕМПЕРАТУРЫ ВСПЫШКИ ТРАНСФОРМАТОРНОГО МАСЛО В ЗАКРЫТОМ ТИГЛЕ //International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING. – 2024. – Т. 5. – №. 1. – С. 37-40.
15. Абдурахмонов С. У., Узаков Р., Зокирова И. З. АНАЛИЗ РАБОТЫ УСТАНОВОК ДЛЯ ИСПЫТАНИЯ ТРАНСФОРМАТОРНОГО МАСЛА НА ПРОБОЙ //Бюллетень науки и практики. – 2018. – Т. 4. – №. 3. – С. 130-134.
16. Turatbekova A. et al. Study on isolation methods of natural polysaccharides //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2024. – Т. 497. – С. 03016.
17. Abdulboqi o‘g‘li A. M. et al. ПРИМЕНЕНИЕ ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЕЙ ЧАСТОТЫ ОБЩЕПРОМЫШЛЕННОГО ИСПОЛНЕНИЯ В КРАНОВОМ ЭЛЕКТРОПРИВОДЕ //International journal of scientific researchers (IJSR) INDEXING. – 2024. – Т. 4. – №. 2. – С. 149-152.
18. Zakrullayevna, Zakirova Irodaxon, et al. "ELECTRIC DOWNLOAD DIAGRAMS AND SELECTION OF ELECTRIC ENGINE POWER." European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.04 (2022): 33-37.
19. Исмаилов, А. И., Тухтамишев, Б. К., & Азизов, Б. Я. (2014). Актуальные вопросы энергетики АПК Андижанской области Узбекистана. Российский электронный научный журнал, (7), 13-18